



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI TIBBIYOT BOSH BOSHQARMASI BOSHLIG'INING

BUYRUG' I

2021 yil «20» avgust

№ 45

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги
«Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5177-сон қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5177-сон қарорининг Тиббиёт бош бошқармаси тизимида ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5177-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ:

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилгани;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланиши;

қурилиш соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2021 йил 1 октябрга қадар бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган тендер (танлаш)ни «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот

тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда ўтказиш амалиётини йўлга қўйилиши белгиланди.

2. Тиббиёт бош бошқармасининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси қуйидаги таркибда ташкил этилсин:

М.М. Муслимов - Кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат ва мониторинг қилиш сектори мудир, ички назорат тузилмаси раҳбари;

С.Ш. Мардонов – Иқтисодиёт, молиявий маблағларни жалб этиш ва давлат-хусусий шеркчилигини ривожлантириш сектори бош мутахассиси, ички назорат тузилмаси аъзоси.

3. Тиббиёт бош бошқармасининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси зиммасига:

идоравий мансуб ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш;

коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш;

тизимдаги ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;

тизимда коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда тизимда коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини самарали ташкил этилишига қаратилган бошқа чораларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, хўжалик ишлари, молия-иқтисод бўлинмалари ва назорат функциясига эга тузилмалар раҳбарларини муайян муддатда ротация қилиш бўйича таклифлар киритиш вазифалари юклансин.

Тиббиёт бош бошқармасининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ўз фаолиятини “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган) мувофиқ ташкил қилиниши белгилансин.

4. Тиббиёт бош бошқармаси тасарруфидаги ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига:

ходимларни ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни таъминлаш;

ҳар бир тизим ташкилотларида мавжуд штатлар доирасида ички назорат тузилмасини тузиш;

ички назорат тузилмасининг унинг иш фаолияти вазифа ва функциялари, фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш вазифлари юклатилсин.

5. Тиббиёт бош бошқармасининг Ходимлар ва махфий хужжатлар билан ишлаш бўлими (Р.И.Джурабаева) зиммасига:

ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни таъминлаш;

ташкилот ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишни назоратга олиш;

ташкилот ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш;

ўқув режага мувофиқ ташкилотнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилиш;

ташкилот тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этиш вазифалари юклансин.

6. Тиббиёт бош бошқармасининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бош мутахассиси (Б.Данияров) зиммасига:

коррупцион ҳолатлари бўйича хабар қабул қилиш учун махсус телеграм ботини, ижтимоий тармоқларда саҳифаларини ишлаб чиқиш, ишонч телефони бириктириш;

ташкилотнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Моддий-техник базани ривожлантириш бошқармаси (А.Рўзиев) қурилиш соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган тендерларни «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда ўтказилишини таъминласин.

8. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш бош бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

**Тиббиёт бош
бошқармаси бошлиғи**



А. Худаяров